



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 ноябр, чоршанба № 178 (1192)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 13 ноябр кuni Оксаройда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди.

Жаҳондаги энг нуфузли ва қудратли молиявий ташкилотлардан саналган Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга салмоқли хисса қўшиб келаётир. - деди давлатимиз раҳбари. - Мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу ташкилот бош қўшмадан бирор жабха ёки йирик бир лойиҳа йўқ ҳисоби. Ислон Каримов бундай ўза-

ро ҳамкорлик йилдан йилга мустақамланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Айни пайтда Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 671,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 14 лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли жабхалари, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, саноат, банк ва савдо тизимларини

такомиллаштириш, шунингдек, атраф муҳит муҳофазасини яхшилаш билан боғлиқ соҳаларни қамраб олган.

ЕТТБ Ўзбекистон билан 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида янги тузилажак лойиҳаларда ҳам иштирок этиш ниятида. Бунда асосан мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор салмоқини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, бозор ҳамда сайёҳлик инфратузилмаси, энергетика мажмуини ривожлантириш, пахтани қай-

та ишлаш ва саноатнинг бошқа йўналишларида фаолият юритилади. Шунингдек, 2003 йили Ўзбекистонда ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишини ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги режалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎЗА).
Суратда: қабул пайти.
А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар

Қадимий Бухорода фидокорона меҳнати билан эл дастурхонини тўкин ва маъмур қилаётган тажрибали деҳқонлар кўплаб топилади. Ана шундай ҳазрати инсонлардан бири Гиждувон туманидаги Садриддин Айний номли ширкат ҳўжалиги пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат Облақулдовир. Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар.

ўстирган пудратчилар тайёрлов ташкилотларига 450 тоннадан зиёд пахта топшириб, ҳосилдорлики гектар бошига 60 центнерга етказдилар. 11 гектар майдондаги «Эхо» навли галланнинг гектаридан 61 центнердан ҳосил олинди.

Ҳазрат бобонинг дала шийпонини кўрган киши маънавият ва маърифат

ҲОРМАНГ ЭНДИ, ҲАЗРАТ БОБО!

Ҳазрат бобо бугунги ҳурмат-эътиборга муқаддас касбини улуглагани, ерга меҳр қўйиб, ардоқлагани тўғрисида айтиш мумкин.

Саксон икки ёшни қоралаган бободеҳқон даставвал зироатчилик сирларини отаси Облақул Турдиевдан ўрганган эди.

Ҳокисор ва меҳнатқаш ота-онанинг дуосини олган кенжа ўғил кам бўлгани йўқ. У касбига чексиз садоқати, изланувчанлиги ва ҳалол меҳнати билан обрў орттирди. Мактабни тугатар тугатмас, отасининг қўлидан кетмонини олди. Кўп йиллар сувчи бўлиб, ниҳолларга об-ҳаёт тароиди.

Мана 45 йилдики, пахтачилик жамоасига бошлиқ. Ислохотлар жараёнида биринчилар қаторида пудратчиликка ўтди. Бултур 63 гектар майдонда «Бухоро-6» навли гўза ўстириб, гектаридан 62 центнердан хирмон кўтарди. Кичик бир жамоа ҳўжалик хирмонига 428 тонналик пахтаси билан хисса қўшди.

Йил якуни сарҳисобиди 18 миллион сўм даромад олинганлиги, шундан 9 миллион сўми соф фойда эканлиги маълум бўлди. Қўриб турибсизки, пудратга уюшган 75 нафар ишчининг муваффақиятлари салмоқли эди.

Кўп йиллик хизматлари эвазига Х.Облақулгова Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилиб, олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилди. Бухорои шарифнинг Фозон қишлоғида камол топган оддий инсонга бундан ортиқ бахт борми, ахир?!

Бу йил 75 гектар майдонда гўза

масканига келиб қолгандай ҳис этади ўзини. Атрофи 1 гектарлик мевали боғ ва узумзор. Пудратчилар учун сазавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева шу ернинг ўзидан чиқади.

Оромгоҳ йил ўн икки ойдири одамлар билан гавжум. Эраклар ва аёллар учун алоҳида хоналар, ошхона, тиббиёт хонаси, кутубхона бор, ҳикматли сўзлар кўринарли жойларга ёзиб қўйилган.

Билимдон деҳқон Ҳазрат Облақулони қишлоқ оқсоқоллари Садр Азимов, Яраш Болтаев, Неймат Эргашев, Рамазон Назаров каби нурунийлар билан суҳбатлашиб турган пайтда учратдик.

— Мустақиллик шарофати билан рўшноликка эришдик, — дейди у мамнуният билан. — Ниятим то танда жоним бор экан, азиз Ватанимга хизмат қилиш.

Ҳазрат бобо турмуш ўртоғи Ҳакима момо билан 8 қиз, 4 ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. 56 нафар неварга ва 2 чевара кўрган қайвони қариялар бахтли ҳаёт наҳидасини суришмоқда. Фарзандлари Робия, Шозода, Зиёда, Озода, Хонзода, Гулшода, Илҳом, Парда, Шукрулло, Шавкат, Хилола ва Нигорлар турли касб эгалари бўлиб етишишган.

Бухоронинг Гиждувонига ўтсангиз камтарин ва хокисор инсон Ҳазрат бобо Облақул билан албатта, мириқиб суҳбатлашинг. Отахоннинг воқеаларга бой ҳаёт тажрибаси билан танишиб, унинг ширин қаломини тингласангиз оддий қишлоқ деҳқонининг турмуш тарзи қанчалик ўзгарганини билиб оласиз.

Иzzат ҲИҚМАТ,
«Ишонч» муҳбири.

АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (ЮСАИД) раҳбари Эндрю С. Нациос Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Эндрю С. Нациос Марказий Осиё минтақаси мамлакатларига қилган ушбу сафари мобайнида АҚШнинг Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами масалалари юзасидан музокаралар ва учрашувлар ўтказди.

ЮСАИД РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ЮСАИД раҳбари мамлакатимизда бўлган чоғида Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари, хусусан Бош вазир ўткир Султонов билан учрашди. У шунингдек БМТ вакиллари билан мулоқотда бўлади.

Эндрю Нациос мамлакатимизга ташрифи доирасида Термизда бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳокими Бахтиёр Олимжонов билан мулоқотда бўлади. Мулоқотда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан савий-харакатлари мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама этиш кўзда тутилди.

Эслатиш жоизки, шу йилнинг 11 сентябрга қадар ҳам Афғонистон АҚШ ҳукуматидан энг кўп инсонпарварлик ёрдами олаётган мамлакат ҳисобланарди ва ҳозирга қадар шундай бўлиб қолаётир. АҚШ Афғонистон халқига 120 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасидан маълум қилишларича, АҚШ Президенти Ж.Буш яқин кунларда Эндрю Нациосни инсонпарварлик масалалари бўйича махсус мувофиқлаштирувчи вазифасига тайинлаш ниятида эканлигини билдирган.

«Туркистон-пресс»

«ОНА ВА БОЛА СКРИНИНГИ» МАРКАЗИДА

Оналик ва болалик муҳофазаси давлат эътиборида. Соғлом авлодни шакллантириш, онлани мустаҳкамлаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида Сурхондарёда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги қарорига биноан «Она ва бола скрининги» давлат дастури қабул қилинганлиги бевосита ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда ирсий касалликлар ҳамда туғма нуқсонли ривожланишни вақтида аниқлаш ва ташхис қўйишда кенг имкониятлар очиб берди.

«Она ва бола скрининги» маркази ўтган йилнинг декабр ойида ишга тушди. Уни қайта таъмирлаш учун 9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Асосий мақсадимиз оналар ва болалардаги туғма ва ирсий хасталикларнинг олдини олишдан иборат. Маркази қошида махсус тиббий генетик маслаҳатхона ва малакали шифокорлар иш олиб бормоқда.

Марказда аёллар ҳомиладорлигининг дастлабки ойларида ташхис қўйиш, ирсий хасталикларни ва гўдакларнинг туғма нуқсонли ривожла-

нишини эрта аниқлаш, уни даволаш, диспансер назорати олиш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Шифо маскани болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, ирсий касалликка дучор бўлган ҳамда туғма нуқсонли беморларни тиббий ижтимоий реабилитация қилиш билан ҳам шуғулланади.

Икки қаватли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу бинода беморларнинг кўрикдан ўтишлари ва даволаишлари учун етарли шароит бор. 4 нафар олий тоифали врач, 10 нафар малакали ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамширалари беморларга астойдил хизмат кўрсатмоқдалар.

80 минг АҚШ долларига сотиб олинган «Дельфия» аппарати орқали ўз вақтида ирсий касалликларни аниқлаш мақсадига тўғилган чақалоқларда қон таҳлили ёки скрининг тестлари ўтказилади. Бу ишни тажрибали шифокор Аса-

дулла Раҳмонов бошчилигидаги тиббиёт ходимлари қўйиллатиб удалашмоқда.

Ҳозиргача 4 мингдан ортиқ ҳар хил синамалар олинди. Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, оналар ва болалардаги касалликлар анча камайган.

Неонатал скрининг энг ишончли усуллардан саналади. Агар ҳомилада касаллик аниқланган бўлса кечиктирмасдан даволаш ишларини бошлаш зарур. Чунки, болада туғма касаллик мавжуд бўлса ўсмай қолиши, ногирон бўлиб туғилиши мумкин.

Ҳар йили вилоятда 50 минг нафардан ортиқ чақалоқ дунёга келади. Маркази ходимлари туғма касалликларни бартафат этиш учун ҳар бир аёлни кўриқдан ўтказиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Тиббиёт ходимлари туманлар ва қишлоқларда ҳам бўлишиб, туғма касалликлар ва уларни даволаш йўллари ҳақида беморларга қимматли маслаҳатлар беришмоқда.

Ўтказилган таҳлилларнинг натижалари бўйича 28 нафар аёлнинг соғлигини муҳофаза этиш мақсадига ҳомиладорликдан ҳалос

қилиш учун йўлланма берилди. 4 та болада туғма гептоэроз касаллиги аниқланиб, даволашга тавсия этилди.

Соғлом авлод — мамлакатимиз келажаги. Болалар жароҳи Б.Сиддиқов, ҳамширалар Ж.Бўтаева, Н.Бозоровалар ўз вазифаларини виждонан бажариб, сифатли даво муолажалари ўтказишмоқда.

Марказ мутахассислари тиббий ирсий тамойилларга асосланиб, вилоят аҳолисига экологик ёрдамни ташкил этиш, атраф-муҳитнинг одам организмига таъсирини ўрганиш, она-бола соғлигини мустаҳкамлаш учун тиббий санитария аҳолини яхшилаш дастурларини ишлаб чиқмоқдалар.

Умуман, скрининг марказида амалга оширилаётган ташхис қўйиш ва даволаш-профилактика ишлари болалар ўртасида касалликларни ҳамда ногиронлик кўрсаткичларининг камайишига олиб келмоқда.

Бахтиёр БАКУМОВ,
Сурхондарё вилояти
«Она ва бола скрининги» маркази касабакўми раиси.

Хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш, аёлларнинг меҳнат қилиши ва эркин касб танлаши, хавфсиз меҳнат шароити учун қулайликлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш касабани уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги муҳим вазифасидир.

Вилоят базислар касалхонаси бош ҳақими А.Шамсидиновнинг шу йил 12 январдаги буйруғи билан кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлими хўжалик бекаси Нарғиза Камолова ишдан бўшатилди. Шундан кейин Н.Камолова ўзини ишдан нотўғри озод қилингани тўғрисида вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшма қўмитасига ариза билан му-

рожаат қилди. Ушбу масала қўмита томонидан чуқур ўрганиб чиқилди.

Текшириш натижаларидан маълум бўлдики, касалхона маъмурияти томонидан буйруқ чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 237-

Мехнат Кодексининг 226-моддаси талаблари асосида маъмурият ҳомиладор аёлларнинг энгил ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилиларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш ва бунда уларнинг аввалги ўртача маоши сақлаб қолинади.

Мехнат Кодексининг 228-моддаси талабларига мувофиқ ҳомиладор ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг уларнинг розилигисиз тўғи ёки иш вақтидан ташқари дам олиш кунларидаги ишларга ўтказиш, хизмат сафа-

Касаба уюшмалари аралашуви билан

рига юборишга йўл қўйилмайди.

Хуллас, адолат қарор топди. Бухородаги ушбу касалхона маъмуриятининг буйруғи бекор қилиниб, Н.Камолова ўз вазифаси-

тайёрлаш бўлими навбатчи ҳамшираси Шарофат Салимова касб касаллигига чалиниб иккинчи гуруҳ ногирони бўлганлиги ҳамда Тошкентдаги илмий текшириш институтида даволанганлиги ҳақида харажатлари — 12500 сўм тўланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшма қўмитаси раиси Шавкат Султоновнинг таъкидлашича, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқини ва иш билан таъминлаш вафотларини муҳофаза қилиш юзасидан изчил фаолият юритилди.

Шарофат Салимовага бир мартали берилган жами 86352 сўм нафақа ва касб касалликлари илмий текшириш институтида даволанганлиги ҳақида харажатлари — 12500 сўм тўланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшма қўмитаси раиси Шавкат Султоновнинг таъкидлашича, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқини ва иш билан таъминлаш вафотларини муҳофаза қилиш юзасидан изчил фаолият юритилди.

И.ИСОМИДИНОВ.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Ижтимоий муҳофаза

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш бўйича Шофиркон туманида ҳам аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган.

Туман ҳокимлиги ва касабалар уюшмалари аҳолининг кам таъминланган қисmini ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтирмоқда.

ЁЛГИЗ КЕКСАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бундан уч ой муқаддам туман марказида икки қаватли замонавий кўркем бино қад кўтарди. Шуниси қувончлики, 203-кўча механизациялашган жамланма қурувчилари бунёд этган, лойиҳа қиймати 40 миллион сўмлик бу иншоот кўзи ожизлар жамиятига берилди.

Бундан ташқари бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисидаги Фармонлари асосида фуқароларга гамжўрлик кучайтирилмоқда. Аҳолига намунали пенсия таъминоти ва ижтимоий хизмат кўрсатилапти.

Туманда 16150 нафардан ортиқ пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи фуқаро истиқомат қилади. Улардан 11006 нафарини ёшга доир, 2875 нафарини ногиронлик, 884 нафарини боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа олувчилар, 1385 нафарини ижтимоий нафақадорлар ташкил этади. Улар учун 150 миллион 979 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

Шофирконда бундай хайрли ишлар кўлаб амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда туман Қизил Ярим Ой жамияти ҳомийлигида ёлғиз пенсионер Гулиноса Ботированинг юбилей тўйи ўтказилди ва унга моддий ёрдам кўрсатилди. Нафақадорлар Қосим Исоқов ва Аҳмад бобо Гапировларнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаро йиғинлари, қорхона, ташкилот ва муассасалар, жамоа, ширкат хўжаликлари кам даромадли оилаларнинг ижтимоий аҳолини яхшилашга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Берилган имтиёзлар асосида 22 нафар ёлғиз қария ва ногиронлар дори-дармон, газ, элчилик суви, электр энергиясидан бепул фойдаланиш ҳақи. Уларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилаяпти. Ёлғиз қариялар, ногирон ва нафақадорлар бундай гамжўрликдан ҳамisha миннатдор.

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Шаҳрихон туманидаги «Антэкс» акционерлик жамияти Андижон вилоятида барқарор ишлаётган ёш қорхоналардан бири. Германия ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган қорхона пахтадан йиғирилган ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Тўқимачилар маҳсулотининг 40 фоизи экспортга жўнатилаётгани маҳсулот сифатининг юқори эканлигидан далолатдир.

Давримизни тезкор ва сифатли алоқа тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аиникса, ишбилармон ва тадбиркорлар, вақтинг қалрига етдиганлар учун бунинг аҳамияти катта. Қорхонамиз шаҳарларни ва халқаро сўлашув, телефон, телеграф, факс хизмати кўрсатишга ихтисослашган. Телефон станцияси тўлиқ қувват билан ишляпти. Яъни, 1400 мижоз (телефон нуқтаси) бор. Аммо ускуналар эскириб қолган. Шу боис янги станция қурилиши бошлаб юборилган эди. Мустақиллик байрами шарафига уни ишга туширдик. Янги 2048 мижозга хизмат кўрсатадиган рақамли телефон станцияси булунгурликларнинг алоқа имкониятларини анча яхшилади. Бундан ташқари, «Уздунобитанинг кучайтирув мосламаларининг ўрнатилиши туманда уяли телефон алоқаси сифатини оширади.

КИЧИКНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТИ

Бундай ўзгаришлар хизмат сифатинигина эмас, балки ходимларимизнинг иш шaroитини ҳам яхшилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ жамоа аъзолари учун дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун барча имконият яратилди. Маънавият бурчаги фаолият кўрсатапти. Меҳнатни муҳофаза қилишга 250 минг сўм маблағ ажратилди. Жамоа шартномасига мувофиқ ходимларга ҳар ойда оват пули, 12 кунгача қўшимча таътил берилаяпти. Меҳнат таътилига чиқаётганларга 20 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Саломатлигини тиклаш учун шифохонада даволанаётган ходимларимизга энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориди ёрдам уюштириляпти.

Ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш билан бирга аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни яхшилашга интиляпмиз. Жумладан, аҳоли талаби, таклифларини ўрганиш учун маркетинг хизмати йўлга қўйилди. Энг гавжум жойларга таксофонлар ўрнатилди. Янги телефон станцияси тўғридан-тўғри халқаро тармоққа уланади. Кредит картчаларидан фойдаланиш жорий этилди. Ишнинг яхши ташкил қилинишида Б.Шодийёров, С.Харисова, Ш.Мама-назаров каби ўнлаб ходимларимизнинг хизмати катта. Уларнинг самарали меҳнати туфайли жамоамиз вилоят кўригида касб маҳорати бўйича биринчи ўринни олди. Бу эса бизни янада яхшироқ ишлашга даъват этади.

Г.АХМЕДОВА, «Самарқандтелеком» қорхонасининг Булунгур туман бўлими касабалар уюшма кўмитаси раиси.



Қиргули туманидаги «Мўминжон» хусусий фирмаси дастлаб, халқ банкининг туман бўлимидан 4 миллион сўм кредит олиб иш фаолиятини бошлаган эди. Аини дамда бу ерда кунига 1500 дона хорижикидан қолишмайдиган сифатли ва арзон гўшти консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: ишчилар Саломатхон Қаландарова, Холисохон Рустамова.

М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлашга эришилган йўл бу — мулкчилик нуносабатларининг барча шакллари имконият даражасида тенг ва кенг қўллашдан иборатдир.

Ҳиссадорлик жамиятида 103 та йўловчи ташкилот автобусдан ҳар кун қатновга чиқадигани бор-йўғи 25-30 тадан ошмай қолди. Режалар бажарилмай, қарздорлик 42 миллион сўмга етди. Автошина, эҳтиёт қисмлар йўқлиги, ёнилғи камлиги собиқ раҳбарларга асосий баҳона эди. Ҳайдовчилар нафақат мукофот ҳатто иш ҳақларини 3-4 ойлаб ололмади, ишдан бўшаб кета бошладди. «Тошкент-Самарқанд-Жиззах» йўналиши, туманлар ва шаҳар ичида қатновчи автотранспортлар кескин камайиб, йўловчилар қийин аҳволга тушиб қолдилар.

Директори лавозимига салкам 30 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Ҳаким Норқўлиев тайинланди.

ни бажарган ҳайдовчилар мукофот ола бошладди. Иш ўрнига гап ташкилотнинг баъзи оғзига кучи етмаганлар жуфтани ростваб қолишди. Йил охирига бориб ҳатто республикада яхши ўринларни эгаллашга муваффақ бўлинди.

иш ҳақлари 18-20 минг сўмни ташкил этмоқда. Ойлик ва мукофотлар бундан мустасно. Аризаларга биноан моддий ёрдам, сижатҳоларга йўлланмалар бериб бораёпмиз. Автосарой маъмурияти ва касабалар уюшма ташкилотига ҳамкорликда салкам 400 нафар ишчи-хизматчининг тўй-маъракаларига хизмат қилиш учун бепул, узоқ йўл бўлса, 50 фоизини тўлаш йўли билан автобуслар ажратмоқда. Шаҳардаги болалар боғчасига 80 минг, меҳрибонлик уйига 96 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди.

ИНСОН ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

У вазиятни шомасдан ипидан игнасигача ўрганиб чиқди. Молиявий вазият қанчалик оғир бўлишига қарамастан, банкдан 20 миллион сўм қарз олинди. Бу маблағга автошина ва энг керакли эҳтиёт қисмлар харид қилинди. Баъзи бировлар «Аввалгидан ҳам битар бўлади», деган ҳар хил гаплар ҳам тарқатишди. Аммо улар адашган эдилар. Қундан-кунга шаҳар, унинг атрофи ва шаҳарлараро қатновчи автобуслар сони орта борди. Қарзлар ҳам узилди. Иш ҳақлари ўз вақтида берилиб, режа-

Жорий йилнинг 9 ойлик режаси 131,7 фоизга бажарилиб, режадаги 135 миллион ўрнига 172 миллион сўмлик автохизмат кўрсатилди. Ўтган қисқа вақтда 10 миллион сўм соф фойда қўрилди.

Ута шўрланган 66 гектар ерни экин экишга тайёрлаб, ёрдамчи хўжалик ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўзида 20 гектар майдонга чигит экилиб, 28 ўрнига 36 тонна пахта етиштирилди. Ҳосилдан олинган даромад ҳисобига эҳтиёт қисмлар олиш мўлжалланмоқда.

Ҳакимжон МИРЗАЕВ, Сирдарё вилояти 25-автосарой хиссадорлик жамияти касабалар уюшма кўмитаси раиси.

Навоий вилояти Қорин туманидаги «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигида «Уч бош» номли хусусий кичик қорхона иш бошлади. Аини пайтда 20 нафар ёшлар иш ўринлари билан таъминланди.

Шунингдек, бу ерда қоракўл териларидан палто, қўлқоп ва теплак сингари кийим-кечаклар тикилмоқда.

Суратда: тикувчи Жанагул Бердиева тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.



С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХАЙРЛИ ТАДБИРГА ҚАНОТ

Хонқа туманидаги «Олтин соҳил» ширкат хўжалигида (бошқарув раиси Отаҳон Бакиев) ва бошланғич касабалар уюшма ташкилоти ташаббуси билан хайрия тадбири ўтказилди. Қоракўш қишлоғидаги маз-

кур йиғинда савдо, маиший, умумтаълим мактаб ва гимназияни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган тадбирда 2 миллион сўмликка яқин маблағ ишлаб топилди.

Мақсад қишлоқдаги 3 та

А.НАБИЕВ.

ЛОҚАЙДЛИГИМИЗ САБАБЧИ

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Лекин ана шу фалокат техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаётганлиги, айниқса, қайта-қайта тушуштирилган, оғохлантирилган сўнг содир этилган бўлса-чи?! Навоий туманидаги «Жалойир» ширкат хўжалигида худди шундай бўлди. Хўжалик касабалар уюшма кўмитасининг шу йил 6 мартдаги йиғилишида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича олиб борилаётган ишлар қоникарсиз ташкил этилганлиги учун хўжалик бош

муҳандиси Азим Бобоқулов оғохлантирилган, шунингдек, вилоят агро-саноат мажмуи ходимлари касабалар уюшма кўмитасининг яқинда бўлган йиғилишида ҳам бу ҳақда гапирилган эди.

Афсуски, оғохлантирилган, қарорлар қозғоғда қолиб кетаверди. «Кўза кунда эмас, кунда синади», деганларини рост экан.

Воқеа шу йилнинг 18 сентябрида хўжаликнинг машина-трактор саройида содир бўлди. Шу кун бош муҳандис топшириғи билан пайвандловчи Тоҳир Сафиев ва таъмирловчи Амин Тўқлиевлар тележканинг айланма халқасини ажратиб олишга қиришадилар. Пайвандловчи халқанинг тележка билан туташган мураватларини чиқараётганда унинг бир учи тележкага илиниб қолади. Бундай ҳолатда нима қилиш кераклигини шу касб эгалари яхши билишлари шарт эди. Чунки, улар меҳнат қонунларида кўзда тутилган техника хавфсизлиги қондалари билан таништирилган бўлиши керак. Бу ерда

эса А.Тўқлиев эҳтиёткорликни унутиб, айланма халқани оёғи билан юргизади. Оқибатда оғир металл чап оёғи панжалари устига тушиб уни маҳкақлайди.

Шифокорлар хулосасига кўра А.Тўқлиев ўрта оғир жароҳат олгани учун унга хўжалик бошқаруви ҳамда касабалар уюшма кўмитасининг қўшма қарори билан бир йўла йиллик иш ҳақи тўланадиган бўлди. Хўжалик бош муҳандиси А.Бобоқулов ва техника хавфсизлиги муҳандиси Ризоқул Амоновлар ишда йўл қўйган камчиликлари учун бир ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди жазо тўладилар.

Фабрикага инвестиция жалб қилиш бўйича хорижий ҳамкорлардан аниқ таклифлар тушмоқда. Ҳозирда энг мақбул танлаб олинмоқда. Тўқимачилар келажакка ишонч билан қарамоқда. (ЎЗА).

Техника хавфсизлиги

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.



МАҲАЛЛАДА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАСКАНИ

Тошкент туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла гузарни одамлар билан гавжум. Кўркам хона тўрида ишлаб чиқариш фахрийлари ҳамда ил-горлари, отахонлар файз кiritиб ўтиришди. Ёшлар хизматда. Ёш қари «Маънавият ва маърифат» марказининг очилиш маросимига йиғилишган. Мавридини топиб маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломовни суҳбатга тортганимиз:

— Маҳалламизда мингдан ортқ хонадон бўлиб, уларда 600 га яқин оила истикомат қилади, - дейди маҳалла оқсоқоли. - Биз кишилар ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳру оқибатни кучайтириш, ҳамда ижтимоий ҳимояни намунали йўлга қўйиш хусусида бош кўтирялмиш. Жорий йил бошидан бери кам тазминланган, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Тадбиркор бойи-са, кўпга нафи тегади, деган гап бор. Қўли очик,

бағри кенг ишбилармонларимиздан Хуршид Исмоилов, Эргаш Махаматов, Турсунбой Аҳмедов каби-лар ҳар бир тадбирни бир умр эсда қоладиган қилиб чиройли ўтказишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб кел-моқдалар. Маънавият мар-казига эътибор кучайти-рилганлиги албатта ўз са-марасини беради. Бугун фойдаланишга топширила-ётган «Маънавият ва маъ-рифат» марказини бунёд этишда ҳар бир маҳалла аҳли фаол иштирок этди, десам муболага бўлмас. Мухим қурилиш улар ўрта-сидаги ҳамқору ҳамжиҳат-

лики яна бир бор синов-дан ўтказди. **Эргаш Махаматов, маҳалла фаоли:** — Марказ ўрни илгари ташландик жой эди. Маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов фаоллар, туман ҳокимлиги билан фикрла-шиб, ҳашар йўли билан ажойиб маскан қуриш та-клифини илгари сурганида, у бир овоздан маъқуллан-ди. Хайрли иш Охунбобо-ев номи ширкат ҳўжали-ги бошқаруви раиси Ис-кандар Фозилов томони-дан ҳам қўллаб-қувватлан-ди. Ана энди марказ чина-кам тарбия ўчоғига айла-нади. Бу ерда кўпчилики қизиқтирган мавзулар юзасидан савол-жавоблар, кечалар, учрашувлар ўт-казилди. **Абдухакбир Самитов, меҳнат фахрийси:** — Хўрматли Президентимиз маънавият масала-сига алоҳида эътибор бе-

ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ХОДИМ ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН? Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Қайси ҳолларда ходим ишдан четлаштирилиши мумкинлиги тўғрисида тушунча беришингизни сўрайми.

И. БҲУРОНОВ, С. САРВАРОВ, Н. КЕНЖАЕВ, Маргилон шаҳри.

ЖАВОБ: Иш берувчи қонунда белги-ланган ҳоллардан ташқари, ўз ташаб-буси билан ходимни ишдан четлашти-ришга ҳақли эмас. Ходимларни ишдан четлаштиришга қайси ҳолларда йўл қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Бу моддага мувофиқ хо-дим куйидаги ҳолларда ишдан четлаштирилиши мумкин:

- алкоғолли ичимлик-дан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга кел-ган ходим дарҳол иш бе-рувчи томонидан ишдан четлаштирила-ди ва шу кун ишдан бўлмаган кун деб ҳисобланади. Ходимнинг маст ҳолатда бўлганлиги тиббиёт хулосаси ёки уч киши иштирокида тузилган да-столатнома билан тасдиқланади. Маст ҳолатда ишга келган ва натижада иш-дан четлаштирилган ходимдан Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосан бир ой муддат ичда тушунтириш хати оли-ниши ва шу кодекснинг 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чоралари-дан бири иш берувчи томонидан қўлла-нилиши мумкин;
- жиноят иши бўйича айбланувчини вази-фасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи ёки суриш-тирув идораси томонидан асослан-тирилган қарор чиқарилади ва ушбу қарор прокурор томонидан тасдиқлан-ган бўлиши лозим. Бу идораларнинг хо-димни ишдан четлаштириш ҳақидаги қарорини таъбириш иш берувчи учун



Қилмиш қидирмиш АЁЛЛИК ШАЪНИГА ИСНОД

Шу йилнинг 6 сентябр куни Бухоро вилоятининг Қорақўл туманлараро фуқаролик суди 1970 йилда тузилган Ойгул Холлиевани оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилди... Ўз қадр-қимматини билган аёл ва она учун бу оғир жазо эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак.

Хўш, нега шундай бўлди? Келинг, воқеа илдизига бир назар таштайлик.

...Тўлқин билан Ойгул бир-бирларини севишиб турмуш қурдилар. Оилада бирин-кетин фарзандлар — Эркин, Садоқат, Камола дунёга келди.

Эр-хотиннинг шахсий ҳаёти фақат икки киши учун сир бўлган жумбоқ. Шу боис, биз ҳеч қандай тахминларга ўрин бермай, фақат расмий ҳужжатга, яъни суд қарорига мурожаат қилиш-ни мақбул кўрдик.

«Иш бўйича туман халқ таъли-ми бўлими вакили Р.Бердиев суд мажлисида кўрсатув бериб... Холлиева Ойгул болаларининг тарбияси билан умуман шуғул-ланмаётгани, шу пайтгача ҳеч қерда ишланмасдан, турли жой-

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлими мутасаддилари вилоят туғруқхона мажмуига жами қиймати 600 минг сўмликдан зиёд замонавий тиббий ускуналар, жиҳозлар, дори-дармон ва боғлаш воситаларини тақдим этишди.

— Оналар ва болалар йилда муруват уйларига, махсус даволаш ва болалар муассасаларига кўплаб бегараз ёрдамлар кўрсатилди, - деди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Шамсиддин Юсупов «Туркистон-пресс» муҳбирига. Унинг таъкидлашича, бундай рағбатлар ёр-дамга муҳтож кишиларга ва фақат аниқ манзилларга кўрсатиляпти.



Нурота тумани ҳокимияти Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда воёга етмаганлар билан ишлашни яхши йўлга қўйганлар. **Суратда: туман Ички ишлар бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги Б.Тўхтаев фаоллар билан суҳбатда.**

Ибн Сино халқаро жамғармаси томонидан умумтаълим мактаблари учун ишлаб чиқилган «Болалар гиёҳвандликка қарши» дастури амалиётга татбиқ этила бошланди.

ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

— Гиёҳвандликни «XXI аср вабоси» деб бежиз ай-тишмайди, - дейди мазкур жамғарма раисининг ўринбосари З.Ботирова. - Энг ачинарлиси, гиёҳ-вандликка ружу қўйганлар орасида болалар ва ўсмирлар ҳам учрайди. Шу боис болаларга гиёҳ-вандликнинг зарарли оқибатларини ёшиққандок, айниқса, мактабда тушунтириш, соғлом турмуш тар-зини тарғиб қилиш ушбу дастурнинг асосий вази-фаси ҳисобланади.

Айни вақтда дастурни амалга ошириш мақсади-да жамғарма қошида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича маслаҳат маркази ташкил этилди. Жумла-дан, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани ҳоким-лиги билан тузилган шартномага мувофиқ 35 та мак-табда ҳафтада бир марта гиёҳвандликка қарши ма-шгулотлар ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дастурда машгулотларни ўқув-чиларнинг ёшига қараб уч босқичда ўтиш тавсия этилган. Машгулотлар мактаб, коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида суҳбат, иншо тар-зида ва бошқа шаклларда олиб борилади. (ЎЗА).

ШИФОХОНАДА ДАСТЛАБКИ МИЖОЗ

Гулистонда вилоят соғлиқни тиклаш маркази ўзининг дастлабки мижозларини қабул қил-ди. Марказ раҳбари, олий тоифадаги шифо-кор Татьяна Плехановани-нинг «Туркистон-пресс» муҳбирига маълум қилишича, бу ерда тур-ли ёшдаги беморлар юсак даражада тиббий ёрдам олади.

— Ногиронлик даража-сини пасайтириш учун профилактика ишлари-ни олиб бориш, оғир ҳасталиклар ва тан жаро-ҳатлари туфайли пай-до бўлган асоратларни бартараф этиш билан шуғулланиш зарур, - деди Т. Плеханова. - Ай-тайлик, бемор шоши-лиқ ёрдам марказида маълум муолажани олиб, соғлигини биров яхши-лайди. Аммо уни тўла тиклай олмайдди. Бемор ўзини тўла тиклаб олиш учун бизга келади. Биз бир ой ичда юзга яқин турли касалликка чалин-ган беморларни тузата оламиз.

Марказ раҳбарининг айтишича, бу ерда она ва бола, кардиология, неврология, травматоло-гия-ортопедия бўли-лари фаолият кўрсата-ётир. Касалларга 25 на-фар шифокор ва 54 на-фар тиббиёт хамшира-си кизмат кўрсатмоқда. Саккизта шифокор ва бир нафар катта хамши-ра Финляндияда мала-ка ошириб қайтди.

— Бундан ташқари, анализлар олиш, таш-хис қилиш ва даволаш учун энг замонавий ус-куналарга эгамиз, - дея сўзида давом этди Т.Плеханова. - Тиббиёт техникасини асосан Япо-ния, Олмония, Франция ва Финляндиядан кел-тирганмиш.

Шуни қайд этиш ло-зимки, марказда спорт зали, парфен билан даволаш, профилактик уқалаш хоналари ҳам мавжуд. Марказ бир пайтнинг ўзида 100 на-фар мижозни қабул қила олади. Бундан та-шқари, бу ерда кундуз-ги стационарга эга ик-кита поликлиника мав-жуд бўлиб, улар кунига 100 ва 250 кишига хиз-мат кўрсатади.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Владимир Путин президент этиб сайланганидан буён биринчи марта расмий ташриф билан АҚШга келди. У бу гапга сафарига АҚШ президенти Жорж Буш билан юзма-юз учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда умумбашарий хавфсиз-лик, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш, Россия ва НАТО ҳамкорлигининг истиқ-боллари, АҚШнинг раке-тадан мудофаа тизими масалаларига доир қатор муаммолар юзаси-дан музокаралар олиб бориш режалаштирил-ган.

ЭНДИГИ НАВБАТ ҚОБУЛГА

Кун-кеча хабар қил-ганимиздек, Мозори-Ша-риф шаҳри Шимолий Ит-тифоқ кўшинлари томони-дан забт этилганидан сўнг

асосий зарба пойтахт — Қобулни қўлга киритишга қаратилди. Айни пайтда «шимолликлар» пойтахт-дан 12 километр узоқлик-да туришибди. Уларнинг ҳарбийлари Қобул чекка-сидига Қорабоғ, Нажроб, Тағай мавзелари билан танишмоқдалар. Жаҳон оммавий ахборот восита-лари Қобулни тўлиқ эгал-лаш хусусида турлича ах-борот бермоқдалар. Баз-ли бир агентликлар Ши-молий Иттифоқ кўшинла-ри шаҳарга кирган деса, баъзилар айрим мулоха-заларга кўра пойтахт ҳозирча ишғол этилган-дай, деб хабар тарқатмоқ-далар. Нима бўлганда ҳам Қобулнинг таслим бўлиш муддати узоқ эмас.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ БЎЛАДИ

Болгарияда яқинда президент сайловлари бўлиб ўтган эди. Лекин унда даъвогарларнинг

қайси бири ғолиб бўлганлиги аниқланма-ди. Амалдаги давлат бошлиғи Петр Стоянов ва Болгария социалис-тик партияси раҳнамоси Георги Парвановларнинг биронтаси ҳам биринчи босқичда сайловчилар-нинг етарли овозини ола олмадилар. Эндиликда президент сайловлари-нинг иккинчи босқичи ўтказилиши аниқ бўлиб қолди.

УКРАИНАНИНГ ЯНГИ МУДОФАА ВАЗИРИ

Украина мудофаа ва-зири этиб мамлакат қўролли кучлари Бош штабининг бошлиғи Вла-димир Шкиденко тайин-ланди. Бу ҳақида фар-монга президент Леонид Кучма имзо чекди. Янги вазир ўз фаолиятида ав-валги мудофаа вазири Александр Кузьмук йўл қўйган хатолардан сақла-нажаклигини айтди.

БУГУН ГРУЗИЯ ПАРЛАМЕНТИДА

«Ишонч»нинг ўтган сонларида Грузияда ву-жудга келган сиёсий қалтис вазият ва парла-ментнинг янги раисини сайлашга тайёргарлик кўриляётгани ҳақида ха-бар берган эдик. Ниҳо-лғин, 10 ноябр кунни Нино Буржанадзе хоним пар-ламентнинг янги раиси этиб сайланди. Н.Буржа-надзе таниқли арбоб, уста сиёсатчи, парла-мент депутати ҳисобла-нади. У дастлабки кун-ларданок президент Э.Шеварднадзе билан парламент ўртасидаги иштилоқларни ижобий йўналишга солиш сайъ-ҳаракатида эканлигини билдирди.

БОЗОРДАГИ ҚОТИЛЛИК

Кун-кеча Шимолий Осетия пойтахти — Ала-нининг энг йирик «Фал-

лой» деб аталадиган бо-зорида мудохил воқеа рўй берди. Террорчиларнинг «қўлбола бомба»ни пор-тлатишлари оқибатида 6 нафар киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар жароҳат-ланди. Мазкур террорис-тик ҳаракат Владикавказ бозорларида содир этил-ган тўртинчи қотиллик ҳисобланади. Аввалги ра-дизилликлар натижасида ҳам юздан зиёд фуқаро-лар қурбон бўлган эди-лар.

ЯНА АВИАҲАЛОКАТ

Душанба кунни Нью-Йорк шаҳрида яна бир фожеа рўй берди. Ша-ҳарнинг Кеннеди тайё-рагоҳидан кўтарилган «Америкэн Эрлайнз»

авиакомпаниясига қа-рорида «А-300» аэробуси ўз парвозини бошлага-нидан сўнг бир неча дақиқа ўтган шаҳарнинг Фар Рокэвэй майдонига қулаб тушди. Натижада 255 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Тез орада мулоқот сўзлари ёзиладиган «қора яшиқ»лар топилди. Ун-даги гапларни ва ҳало-кат тафсилотларини ўрганиш мутахассислар-ни ҳозирча ҳалокат бах-тсиз ҳодиса туфайли рўй берган, деган хуло-сага олиб келди.

ДИҚҚАТ, ҚИРОЛ КАПАЛАГИ

Бир неча йилда бир марта Мексикада «Диқ-қат, қирол капалаклар!» деган хитоб ян-райди. Бунинг боиси бор. Йил мавсумлари-нинг маълум бир вақти-да «Қирол капалаклар» деб аталган миллион-миллион капалаклар бу-тун мамлакатни «фатх»

қиладилар. Улар Жану-бий Америка китъаси-нидан бу ерга учиб ке-лишади. Улар мазкур ҳудудларда кун кечира-дилар ва урчийдилар. Одамлар уларни ўлдир-масликлари ёҳуд улар «мехмон бўлган» дарах-тларни синдирмаслик-лари лозим. Чунки, маз-кур хашаротлар қўнган дов-дарахтлар ва ўсим-ликлар муқаддас ҳисоб-ланади.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САЊЪАТИ

"Хамса" хунармандчилиги ривожлантириш ва хунармандлар хуқуқларини муҳофаза қилиш маркази "Карвон" арт галереяси билан ҳамкорликда кузги амалий-декоратив кўргазма-савдосини ўтказди. "Шератон Тошкент" меҳмонхонасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда ўзбекистонлик ҳамда Тожикистон, Туркменистон, Қозғоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган 50 дан зиёд халқ амалий санъати усталари ўз ишлари билан қатнашдилар.

Насиб экан, яна қутлуг Рамазон ойининг саодатли онлари арафасида турибмиз. Меҳнатсевар, инсоф-диёнати, ҳалол, соф ниятли юртдошларимиз ўттиз кун давомида рўза тутиб, мукаддас Ислом динининг бешта ахкомларидан бири ҳисобланган фарзни сидқидилдан адо этадилар. Жисман ва руҳан поклини, хизматда, одамлар билан ўзаро муносабатда, юриш-туришда, оилада юксак инсоний фазилатларини, маънавий баркамолликларини намойиш қиладилар.

Рўза — улуг ибодат. Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. У инсонлар учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланиш, доимо солиҳ амалларга интилишдир. Жамоатчи мухбиримиз Мирза Анвар Каримов мохирамазон арафасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашидқори БАХРОМОВ билан учрашиб, рўза мавзусида мусохаба ўтказди.

— Муфтий ҳазратлари, муштарийларга Рамазон ойининг хосиятлари ҳақида сўзлаб берсангиз. — Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм! Яратганга шукроналар бўлсинким, Муборак Рамазон ойига етиб келдик.

Ўзбек халқи Ислом динига чин дилдан ихлол кўйган, имон келтирган халқ, у Аллоҳнинг ва ўзининг олдида барча амаллари учун доимий ҳисоб бермоқликни, мунтазам покланмоқликни одат қилгандир. Рўза тутмоқлик мусулмон одамнинг мажбурияти саналиб, биз Парвардигорнинг бу амрларини виждоний вазифа сифатида қабул қилганмиз. Зеро, биламизки, ҳар қандай дунёвий ёхуд диний амаллар бировга кўз-кўз қилмоқ, бошқалардан ўзини устун қўймоқ ниятида қилинса, улардан ҳеч қандай самара ҳосил бўлмағай.

Маълумки, рўза Қуръони карим, Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ва ижмоъ уммат билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 183-оятда шундай марҳамат қиладди:

«Эй мўминлар! Тақволи бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди».

Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб: «Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» - дедилар. Рамазон шариф тоат-ибодат, қут-баракат, бахт-саодат ойдидир. Шунинг билан бирга иншоаллоҳ, бу ойда гуноҳлар ювилажак, тавба-тазарруълар, чин ихлол ва эhtiқод ила қилинган дуолар мустаҷоб бўлиб, қалблар таскин топажак.

Рўза ақлнинг ҳам чархидир. Пайгамбаримиз яна бир ҳадиси шарифларида: «Кимки қорни очса, фикри кенгайиб, кўнгли (яъни, қалби) равшанлашади», - деб марҳамат қилганлар.

Бу ой мўминларнинг ризқу рўзалари зиёда бўладиган баракотли бир ойдир. Рўзадорларга ифторлик қилиб берувчиларга қул овоз қилганлик савоби ва гуноҳларига мағфират ато қилинур. Бу шундай улуг ойимки, ўн кундан уч даҳа, ўттиз кундир. Биринчи даҳаси раҳмат, иккинчи даҳаси мағфират, учинчи даҳаси оташи дўзахдан озод қилинадиган ойдир.

МУБОРАК ОЙ ХОСИЯТИ

да мулойимлик, ўз нафсининг хоҳишига қул бўлишдан қутилиб, унинг руҳи жасадига ҳокимлик қиладди. Яна муҳтожларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, беморларга ўзининг қалб кўри, меҳри тафти ила қараш даркор. Рўзадорнинг рўзаси мукамал бўлмоғи учун унинг ёлғон сўзлаши, бировларга иғво ва бўҳтон қилиши, нолойиқ сўзлар ила ўзгалар дилини огришти асло мумкин эмас. Бу борада Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат ёйиш-ичишининггина тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», - деб марҳамат қилдилар.

— МУСТАҚИЛЛИК ВА ИСЛОМ ДИНИ МАВЗУСИДА ҲАМ ТЎХТАЛИБ ЎТСАНГИЗ.

— Юртимиз мустақилликдек улуг неъматга эришган дастлабки йиллардаёқ, Президент фармонлари билан диёримизда туғилиб, камолга етган Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридий сингари улуг алломаларимиз хотираси ва меросига нисбатан мисли кўрилмаган хурмат бажо келтирилиши нафақат биз — ўзбекистонлик мусулмонлар, балки бутун дунё мусулмонларининг тахсинига сазовор бўлди. Уларнинг муборак ҳоқлари ётган ерлар зиёратгоҳларга, қадимжоларга айлантирилди.

Ислом дини омилнинг халқимиз маънавияти ва руҳиятидаги муҳим ўрнини тўғри анлаган Президентимиз Ислом Каримов жаноблари ва Ўзбекистон ҳукумати даҳрийликка асосланган коммунистик тузум бошқа динлар қатори Ислом динига етказган ситамкорлик ва зулм сиёсати асоратларини бартаф қилишга, диннинг маънавий ҳаётда тутган ўрнига ҳолисона баҳо беришга ва уни тиклашга киришдилар. Натижада ҳукуматимизнинг дин ва диндорларга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Кўплаб масжид ва мадрасалар очилди. Ислом динига мансуб бир қанча тарихий ёдгорлик обидалари мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилди. Масалан, XII аср ёдгорлиги — Бухоро шаҳридаги «Масжиди Калон» ҳукуматимиз томонидан таъмирланди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ихтиёрига топширилди. Ўтмишда яшаб, ўз фаолиятлари билан Ислом дини тарихи ва назариясига бебаҳо ҳисса қўшган жуда-кўп улаомларимизнинг ижодлари ва меросларига муносиб равишда ёндошилди.

— ИСЛОМ ДИНИ МУСУЛМОНЛАРНИНГ ЎЗARO ДЎСТЛИГИ, ХАЛҚЛАР БИЛАН ТИНЧ-ТОТУВ АШАШ, БОШҚА ДИН ВАКИЛЛАРИГА НИСБАТАН ЭЪРАВОНИК ЎТКАЗМАСЛИК, ЎЗГА ДИНЛАРГА ХУРМАТ КЎРСАТИШГА ЧАҚИРАДИ.

— Муқаддам жумҳуриятимизда 80 та масжидгина фаолият кўрсатмоқда эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, буюк истиқлолдан сўнг масжидларимиз сони 2000 га яқинлашди. Ҳар бир вилоятда мадрасалар очилди. Илгариларки жумҳуриятимиздан ҳар йилги муборак Ҳаж



Арафа

сафарига 2-3 кишигина борган бўлса, бугунги кунда эса 4000 га яқин фуқароларимиз ана шу улуг ибодатни амалга ошириш бахтига муассар бўлмоқдалар. Республикада ўн та диний мадраса ва Тошкент Ислом университети фаолият кўрсатиб келмоқда.

— МОХИРАМАЗОН БОШЛАНИШИДАН АВАЛ ШАКЛИК ҚИЛИБ ОТА-ОНАЛАРИМИЗ, ЖИГАРЛАРИМИЗ, ҚАРИНДОШЛАРИМИЗДАН ХАБАР ОЛАМИЗ. ТУРЛИ ХАЙРЛИ ИШЛАР, ЗАКОТ БЕРИШ, ЭҲСОН ҚИЛИШ БУ ОЙДА КЎП БЎЛАДИ.

— Рамазон ойининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Маълумки, Рамазон ойи — покланиш ойи, у айни чоғда ёру дўстларнинг бир-бирларига хурмат ва эътиборини янада зиёда қиладди. Бу муборак ойда мусулмонлар табарруқ отахон-онахонларга имон, ёшларга тавфиқ ва рушду ҳидоят тилашади, қариндошлари, яқинларидан ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Мана шундай хайрли ишлар бу кунларда ҳар бир эзгу ниятли кишинларнинг қалб эҳтиёжига айланади.

— БУ ЙИЛГИ РАМАЗОН ОЙИНИНГ ОЛДИНИНГ ЙИЛЛАРДАГИДАН ФАРҚИ, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ БОР. ШУЛАР ХУСУСИДА ҲАМ ТЎХТАЛИБ ЎТСАНГИЗ.

— Бу йилги Рамазон ойининг таровати ўзгача. У поклик ва саховат рамзи сифатида янги асрнинг илк йилда бошланмоқда. Бу улуг айёмни элу юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро бирдамлик, катталарга хурмат, кичикларга иззат, оналар ва болаларга шафқат, мамлакат ва халқ юмушига доимий тайёрлик, келажак авлод бахти учун масъулият ҳисси кишиларимиз қалбида мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда қутиб олаётганимиз янада хосиятлидир. Жорий йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб номлангани ҳам беҳиж эмас. Зеро, биз Ислом динини адолат ва меҳр-муруват, поклик ва баргирекликка қорловчи, инсонни бойлик, манманлик, нафсу ҳаво каби алдамчи нарсалар ортидан қувшига эмас, аксинча, шахсий ҳузур-халоватдан кўра халқ манфаати ва юрт фаровонлигини устун қўйиш, шу йўлда астойдил, ихлол кўйиб меҳнат қилишга даъват этувчи таълим деб биламиз.

— МУХТАРАМ ВАТАНДОШЛАРИМИЗГА ҚАНДАЙ ИСТАКЛАРИНГИЗ БОР?

— Мухтарам юртдошлар! 16 ноябр Рамазон ойининг биринчи кунидир. Муборак Рамазон шариф муносабати билан барча фуқароларимизни чин дилдан муборакбод этамиз, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осейишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

ЖИЗЗАХ МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Маълумки, шу йилнинг 15-17 ноябр кунлари Жиззах шаҳрида Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг тармоқ спартакиадаси ўтказилди. Анъанавий-оммавий спорт мусобақалари ҳаргалидек Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи спортларида бўлиб ўтди.

Айни пайтда спартакиада иштирокчиларини қабул қилиш, уларга турли маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун барча тайёргарликлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, Жиззах тармоқ ходимлари спортчиларини қутиб олишга мунтазир.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Плей-офф ЭРОН — БЕШИНЧИ ЖАМОА?...

Бугун Европанинг тўққизта ва Осиёдан битта жамоа 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган жаҳон чемпиолатига йўлланма олиши учун ҳал қилувчи учрашувларини ўтказди. Йўлланма эса атиги бешта. Улар қайси жамоаларга насиб этади?

Футбол мухлисларига яхши маълумки, илк учрашувларнинг қарийб ҳеч бирида яққол устунликка эришган жамоа кўзга ташланмади. Хусусан, Словения термаси руминлар устидан ўз майдонига 2:1 ҳисобида голиб чиққан бўлса, белгияликлар Чехия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Худди шундай ҳисоб Австрия-Туркия учрашувида ҳам қайд этилди. Фарқи шуки, турклар бу галабага меҳмонда эришдилар. Украина-Германия матчида ора ҳақи бўлмади — 1:1.

Табиийки, бизни Ирландия ва Эрон терма жамоалари ўртасидаги матч кўпроқ қизиқтиради. Биринчи учрашув, қутилганидек Европа қитъаси вакиллари устунлиги остида ўтди. Ҳисоб — 2:0. Бугун Техронда осийликларга омад қилиб бокармикан? Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Лекин биламизки, Эрон футболчилари нафақат техник маҳорати, балки тиришқоқлиги билан ҳам ажралиб туради. Ажаб эмас, бу гал ҳам уларга ушбу сифатларни тўла намойиш этиши насиб этса!

Бир сўз билан айтганда, Эрон терма жамоасининг Жаҳон чемпиолатига йўлланма олишидан бутун Осиё футболли мафтандор. Чунки бу галаба келгуси — 2006 йилги чемпионатга бориш учун қитъамизга кўпроқ ўрин ажратилишида ҳам қўл келиши мумкин.

Суратларда: аълочи ўқувчи Д. Рамазонава; компьютер хонасида.



С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Хусусий шиғохона БАХТИМИЗ — КИМГАДИР КЕРАКМИЗ

Кишининг бирон жойи огримасин. Оғриган жойининг — жон, дейишгани беҳиж эмас. Бир кунни нимадир бўлиб, қулоғим оғриб, кечаси билан безовта қилиб чиқди. Шунда яқин дугонам менга Чилонзордаги «Абдурахмон» хусусий шиғохонага боришини маслаҳат берди. Айтганларидай, ушбу айтилган шиғохонага бордим, қуволандим. Мана, неча йилларки, кўз тегмасин, қулоқ оғриги нимадигини билмайман.

Мамлакатда ҳамма жабҳада катта ислохотлар олиб бориляпти. Бу яхши. Ҳаётимизда эътиборга молик янгиликлар содир бўлмоқда. Миллий кадрларимиз тикланмоқда. Шундайки, мамлакатимизда бўлаётган оламшумул воқеа-ҳодисаларда бевосита ўз иштирокимизни кўрадикан бўлдик. Бу шунчаки гап эмас. Демакки, биз ўз шахсимизни англаяптимиз. Бу ҳам бўлса мустақиллигимиз шарофатидан. Тадбиркорликни ривожлантиришни юртимизда олиб борилаётган ислохотлар сирасига бемалол қўша бўлади. «Абдурахмон» хусусий шиғохонаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Абдурахмон ақа Ҳасанов билан ана шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик.

— Албатта, тадбиркорликнинг ривожланиши билан халқ ҳаётида ўзгариш бўлади, фаровонлигимиз ошади. Лекин тадбиркорлик деганда фақат фойда кўришни, тушунмаслик керак. Мана, ҳамма соҳада бўлгани сингари тиббиётда ҳам тадбиркорлик қизғин кечяпти. Кўплаб хусусий шиғохоналар очилляпти. Бу яхши, албатта. Лекин тадбиркорлик замирида, айниқас, бизнинг соҳамизда фақат фойда кўришни тушунмаслик керак. Беморни сидқидилдан даволашсанг, сабабга ботасан. Раҳматли онамининг ўғитлари ҳеч ёдимдан қўтарилмайдилар: «Тама қилма, болам, сўқлик хўрлик келтирадир». Тиббиётда шиғохона ҳаммаша ўзининг кимгадир кераклигини ҳис қилиб туриши керак. Менимча, шиғохона касбининг табиати ҳам ана шунини талаб қиладилар. Мен дастлаб кооперативчилик ҳаракати бошланганидаёқ иш бошладим. Ушунда беморларни уйда кўра бошладим. Ўзинингизда бўлса, 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори чиққанди. Мен ҳам бу қарордан илҳомланиб, биринчи тўққизинчи хусусий шиғохона очмишга киришдим. Чилонзор тумани ҳокимлигида менга пesh-воз чиқишди, орзуимнинг

М.АХМЕДОВА.

Бу ажиб дунё

Сув бетида эркин қалқиб ўсувчи нодир ўсимликлардан бўлмиш эйхорниани ботаник олимлар бизнинг маҳаллий шароитимизга мослаштирдилар. Камуёб бу ўсимликнинг асли ватани Жанубий Америкадир.

НОДИР ЎСИМЛИК

Унинг таркиби фойдали моддаларга бой. Шунинг учун ундан кўпгина мақсадлар, чунончи, қишлоқ хўжалигида қўшимча озуқа сифатида, қоғоз ишлаб чиқариш, тола олиш, ёнилғи ҳосил қилишда ҳамашё ҳамда яшил ўғит тарикасида фойдаланиш мумкин.

Унинг баргидан тиббиётда кенг қўлланиладиган биологик фаол моддалар олинади. Бу ўсимлик оқинди сувларни ҳовуларда биологик тозалаш жараёнида азот, фосфор ва бошқа зарарли моддалар микродорини камайтиришда самарали восита ҳисобланади.

Органик ва минерал моддалар билан ифлосланган сув ҳавзаларда эйхорниани ҳар гектар майдонда мавсум давомида 930 килограмм азот, 124 килограмм фосфор ҳамда сувда эриган турли минерал ва бошқа моддаларни ўзлаштирадир.


У сув бетида қалқиб, муаллақ ҳаёт кечиради. А.АЛИЕВ.

Ташаббус МУАЛЛИМ ҲИММАТИ

Жомбой туманидаги 6-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Муродбек Пўлатов пенсияга чиққач, спортхона очди.

Шаҳарликлар ҳар қадамда биллиардон ва бошқа қўнғилочар жойлар очган, - деди у «Туркистон-пресс» мухбирига. - Улардан қаеримиз кам, деб ўйладим ва шу ишга қўл урдим. Натижаси ёмон эмас, спортхонам ҳар кун болалар билан гажум. Шахмат-шашка ва иккита столда биллиард уйнашапти.

Муродбек Пўлатовнинг айтишича, спортхонадан кунига уч-тўрт миң сўм пул тушапти, бунинг бир қисми тартиб-қондага асосан солиққа кетаяпти. Аслида эса қишлоқда, пенсияга чиққач, қонун доирасида тадбиркорлик билан шуғулланишинг



Кизилтепа туманида ҳозирги кунда кенг қўлланли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Деҳқонобод» ширкат «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги ҳудудидан барпо этилган «Зарафшон» умумтаълим мактаби биноси ана шулардан биридир. 320 ўқувчига мўлжалланган ушбу илм маскани биноси барча қулайликларга эга.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Тахир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топшириди 21-00.

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатиши: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.